

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Мухамедов Ҳайдарали Мелиевич АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИ.....	5
2. Turgunov Murodjon Tursunbayevich ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
3. Ибрагимова Мухлиса Паридуновна ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	23
4. Ubaydullayev Abror Qutilla o‘g‘li ISLOM MOLIVASINI HUQUQIY VA TASHKILY JIHATDAN TARTIBGA SOLUVCHI XALQARO INSTITUTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA EVOLUTSIYASI.....	29
5. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li SOLIQ MASALAHATINI AMALGA OSHIRISH PRINSIPLARI VA ULARNING TURLARI.....	35
6. Ашурова Наргиза Аъзамовна ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ.....	43
7. Амангельды Айжан Амангельдыкызы ПРАВОПРЕЕМСТВО ПРАВ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ.....	54
8. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	74
9. Эшимбетова Дармон Уразбаевна КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ.....	82
10. Казакбаев Туулбай Каримбаевич КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА ШАКЛИ ВА УНИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ.....	90
11. Rasulov Bekzod Boymuratovich QURILISHNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH – BARQAROR RIVOJLANISH MEZONI.....	98
12. Умарова Барно Акбутаевна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	107



Эшимбетова Дармон Уразбаевна,
 Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
 Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси
 E-mail: darmonalawyer@gmail.com

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

For citation: Eshimbetova Darmon Urazbaevna. CURRENT ISSUES OF RESOLUTION OF CORPORATE DISPUTES IN COURT: PROBLEMS AND SOLUTIONS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 3, pp. 82-89

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10505574>

АННОТАЦИЯ

Мақолада корпоратив низолар туркумига оид ишларни судда кўришда низони судга қадар ва муқобил ҳал қилиш усулларининг суд иш юритувидаги ўрни ва аҳамияти, суд амалиётида учраётган асосий назарий ва амалий муаммолар ёритилиб, моддий ва процессуал қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш зарурлиги ҳақида фикр асослантирилади. Муаммоларнинг моҳияти ҳамда процессуал ва моддий қонунчилик нормалари таҳлил қилиниб, унинг мақбул ечимлари юзасидан амалий таклиф, тавсиялар баён этилади.

Калит сўзлар. Корпоратив низолар, суд иш юритуви, судга қадар, муқобил, даъво аризаси, ажрим.

Эшимбетова Дармон Уразбаевна,
 Самостоятельный соискатель Высшей школы судей при
 Высшем совете судей Республики Узбекистан
 E-mail: darmonalawyer@gmail.com

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗРЕШЕНИЯ КОРПОРАТИВНЫХ СПОРОВ В СУДЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье обоснованы роль и значение досудебных и альтернативных способов разрешения споров в суде, основные теоретические и практические проблемы, встречающиеся в судебной практике, а также необходимость внесения изменений в материальное и процессуальное законодательство. Анализируется характер проблем, процессуальное и материальное законодательство, а также даются практические предложения и рекомендации по их приемлемому решению.

Ключевые слова. Корпоративные споры, судебные споры, досудебные, альтернативные, претензии, разрешение.

Eshimbetova Darmon Urazbaevna,
Independent researcher at the Higher School of Judges
under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan
E-mail: darmonalawyer@gmail.com

CURRENT ISSUES OF RESOLUTION OF CORPORATE DISPUTES IN COURT: PROBLEMS AND SOLUTIONS

ANNOTATION

The article substantiates the role and importance of pre-trial and alternative methods of resolving disputes in court, the main theoretical and practical problems encountered in judicial practice, as well as the need to make changes to substantive and procedural legislation. The nature of the problems, procedural and substantive legislation are analyzed, and practical proposals and recommendations for their acceptable solution are given.

Keywords. Corporate disputes, litigation, pre-trial, alternative, claims, resolution.

Иқтисодий судлар томонидан ҳал этиладиган бошқа низолар қатори корпоратив низоларни ҳал қилишда ҳам низоларнинг суддан ташқари усуллари ривожлантириш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш[1], мазкур вазифани амалга ошириш механизми сифатида эса фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тезкорлик билан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари, жумладан медиация институтини қўллаш доирасини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, низоларни судгача ҳал қилиш механизмлари қўлланилиши лозим бўлган фуқаролик ишлари тоифасини кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган[2].

“Дарҳақиқат, жамият ривожлана борган сари фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан бир қаторда, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳамда улар ўртасида вужудга келадиган низоларни ҳал қилиш усуллари белгиловчи қонунчилик ҳам ривожланиб, такомиллашиб бораверади” [3].

“Низоларни муқобил ҳал қилиш” тушунчасининг ўзида зиддиятларни ҳал этишнинг юқори самарадорлиги ва қулайлиги билан анъанавий усуллар ўрнини босаолувчи воситалар жамланган бутун механизм ифодаланади” [4].

Бу борада хориж амалиётини кузатар эканмиз, мисол тариқасида келтирилганда, Германияда корпоратив низоларнинг катта қисми арбитраж судлари томонидан ҳал этилади[5]. Германия ташкилий-ҳуқуқий тузилмалари ташқи савдо шартномаларининг 80-90% қисмида низоларни арбитраж судида ҳал этиш учун топшириш ҳақида келишув мавжуд. Ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилган ишларнинг учдан бир қисмини корпоратив низолар ташкил этади[6].

Бундай ҳолат жаҳоннинг бошқа кўплаб ривожланган давлатларида ҳам низоларни ҳал қилиш соҳасидаги муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Ҳақиқатан, ҳуқуқий ҳимоянинг универсал шакли сифатида суд ҳимояси ҳар қандай юридик муаммони ҳал этишнинг ягона усули бўлмаслиги керак.

Иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг суд ва муқобил шакллари механизмини оптималлаштириш узок йиллар юридик фаннинг энг баҳс-мунозарали муаммоларидан бўлиб қолаверади[7].

“Судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш ва юзага келган ҳолатдан чиқишнинг муҳим усулларида бири - фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судга қадар ҳал қилишнинг муқобил усуллари ривожлантириш, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш ваколатига эга бўлган судларни янги тузилмалар билан тўлдириш ва айрим тоифадаги мураккаб бўлмаган фуқаролик ишларини ушбу тузилмалар томонидан кўриб, ҳал этиш тартибини белгилашдан иборатдир”[8].

Бу – шундай ҳуқуқий воситалар тизимики, молиявий, хўжалик, тадбиркорлик ва бошқа фаолият соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда низо тарафлари томонидан танланган низоларни бартараф этишнинг суддан ташқари, муқобил усуллари ва технологияларидир[9].

Низоларни ҳал қилишнинг суддан ташқари усуллари – бу судга қадар ва муқобил усуллар бўлиб, мазкур усулларнинг қўлланилиши ўз хусусиятлари ва аҳамиятига эга.

Низоларни судга қадар ҳал қилиш музокаралар ва талабнома шаклида амалга оширилса, муқобил ёки суддан ташқари ҳал этиш усули сифатида асосан учта усулни келтириш мумкин - булар музокаралар, медиация ва ҳакамлик (арбитраж).

Низоларни судгача бартараф этиш даъво тақдим этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг шарти, яъни процессуал аҳамиятга эга бўлган фактик таркиби ҳисобланиб, бундай тартибнинг ўрнатилиши низонинг императив тааллуқлилигини англатади[10].

Юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, низоларни судгача бартараф этиш бир қанча афзалликларга эга, булар низонинг ҳақиқийлигини аниқлайди, уни бартараф этиши мумкинлиги имконини беради, агар низо ҳал қилинмай судга чиқилган ҳолларда низо предметини тарафлар томонидан дастлабки ўрганиш ва судга тайёргарлик, далиллар йиғиш, исботлаш воситаларини танлаш имконини яратиб, натижада низони судда тез ва қисқа вақт ичида ҳал этишга замин бўлади, шунингдек тарафларнинг суд харажатларини камайтиришга ҳам хизмат қилади. Низони судга қадар ҳал этиш жараёнларининг амалга оширилиши даъвогарга ўз талаблари, жавобгарга эса эътирозларини аниқлаштириш, зарур далилларни йиғиш имконини беради.

Бундан ташқари, низоларни судгача ҳал этиш судда ҳал этишдан кўра, тежамкор усул бўлиб, агар низо судга қадар бартараф этилса, давлат божи ва суд харажатлари чиқимлари тарафлар томонидан тежалишига эришилади.

Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатадики, корпоратив низоларни ҳал қилишда бугунги кунда низоларни судга қадар ҳал қилиш тартибининг асосан қонунда белгиланган турлари учрайди, бироқ шартномада белгиланган тартиблари деярли мавжуд эмас дейиш мумкин.

Бу ҳолат бир томондан, мамлакатимизда корпоратив муносабатлар ривожланишининг бошланғич босқичларининг хусусиятлари бўлса, иккинчи томондан корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва бу соҳага ҳуқуқшуносларни кенг жалб қилиш заруратини ҳамда корпоратив низоларни судга қадар бартараф қилиш тартибини жорий этиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш заруратини акс эттиради.

Низоларни судга қадар бартараф этиш қонунга ва шартномага асосан белгиланган суддан ташқари жараён ҳисобланиб, моддий-ҳуқуқий асосда риоя этиш даъво тақдим этишнинг ва кейинчалик низони судда кўриш ва ҳал этишнинг шарти ҳисобланади[11].

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, шуни яна қўшимча қилиш мумкинки, агар қонунчиликда ёки шартномада муайян туркум низоларни судга қадар ҳал этиш тартиби белгиланган бўлса, бу бир томондан судга даъво тақдим этишда мазкур тартибга амал қилиш тарафлар учун мажбурийлигини англатса, бошқа жihatдан муайян процессуал оқибатларни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 148-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонунда муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш қўзғатилиши мумкин[12].

Корпоратив низоларни судгача бартараф этиш тартиби, қонундан ташқари жамият таъсис шартномасида ҳамда иштирокчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид ички шартномаларда белгилаб қўйилиши мумкин.

Низоларнинг судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилинмаслик ҳолатлари натижасида қуйида келтирилган бир қанча процессуал оқибатлар келиб чиқиши мумкин:

1) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра, суд томонидан даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтарилиши; 2) агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, суд даъво аризасини ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 5-банди асосида кўрмасдан қолдиради.

Бу тартиб процессуал ва илмий-назарий жиҳатдан пухта асос ва амалий жиҳатдан эса мантиқли механизмга эга.

Бироқ, мазкур тоифа низоларни ҳал этишда яна шундай ҳолат учрайдики, бу низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилмаган ва бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган ҳолатлар бўлиб, бундай ҳолларда процессуал қонунчиликда мазкур низо юзасидан ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 8-банди асосида иш юритишни тугатиш белгиланган.

Масаланинг эътиборли томони шундаки, агар низони судгача бартараф этиш тартибига амал қилинмай судга мурожаат қилинган ҳолларда, даъво аризасини қайтариш ёки кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин даъвогар судга даъво аризаси билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли. Бироқ, даъво аризаси юзасидан иш юритиш тугатилган ҳолларда эса, айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 2-банди).

Мисол тариқасида низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби корпоратив низолар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг 41-моддасининг тўртинчи қисмида белгилаб қўйилган қонидани келтириш мумкин. Унга кўра, “Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт” [13].

Демак, мазкур ҳолатда акциядор ўз талабини акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этиш лозимлиги қонидаси белгиланган.

Агар акциядор томонидан мазкур қоидага риоя этмасдан судга мурожаат қилиши даъво аризасини қайтаришга ёки ўттиз кунлик муддат ўтиб кетганидан кейин мурожаат қилган ҳолларда эса, низо юзасидан ИПКнинг 110-моддасининг 8-бандига асосан, яъни “даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, бунда шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган бўлса” иш юритишни тугатишга асос бўлади.

Бироқ мазкур процессуал тартибда баҳсли ҳолатлар ва қонунчиликдаги бўшлиқлар мавжуд.

Бинобарин, юқорида келтирилганидек, гарчи ИПК 107-моддаси биринчи қисми 5-бандида даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса даъво аризасини қайтариш белгиланган. Бироқ масаланинг мунозарали томони шундаки, даъвогарнинг талабнома тартибни қўллаш имкониятини бой берган ҳолларда эса қонунчиликда даъво аризасини қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида аниқ кўрсатма мавжуд эмас.

Қонунчиликдаги бу бўшлиқ натижасида суд амалиётда бундай ҳолларда даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, ишни мазмунан кўриш ва иш якуни бўйича эса ИПКнинг юқорида келтирилган 110-моддасининг 2-банди бўйича иш юритиш тугатилади.

Бу тартиб процессуал қонунчилик талаблари нуқтаи назаридан анча мунозаралидир. Фикримизча, бундай ҳолларда, яъни даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома) тартибига риоя қилиш имкониятини бой берган ҳолларда, даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад қилиш асосли ва илмий-назарий жиҳатдан ҳам тўғри ечим ҳисобланади.

Бу бир жиҳатдан, иш натижаси юзасидан қонунчиликда императив норма асосида муқаррар иш юритиш тугатилиши белгиланган бир пайтда, суд томонидан ишни мазмунан кўришга асоссиз вақт сарфланиши ва тарафларнинг судда сансалорликларини олдини олган бўлса, иккинчи томондан иқтисодий суд ишларини юритиш тартиб-қоидаларининг такомиллашуви ва тартибга тушишини таъминлаган бўларди.

Юқорида келтирилганларга асосан мазкур ҳолат бўйича процессуал қонунчиликни такомиллаштириш ва ИПКнинг 154-моддасига янги 6-бандни киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда қабул қилишни таклиф этамиз:

“6) даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган бўлса, бунда шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган ва бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган бўлса”.

Низоларни муқобил ҳал қилиш усулларида яна бири – бу медиация тартиб-таомилларидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланиши, бунда медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши кераклиги белгиланган бўлиб, зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкинлиги келтирилган[14].

Бироқ мазкур қоида судда ишни кўриш жараёнида қўлланилиши амалиётда ҳам бир қанча зиддиятли ҳолатлар мавжуд.

Келтирилган қонун нормаси таҳлили шуни кўрсатадики, тарафлар зиммасига медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугаллаш мажбурияти белгиланган бўлиб, агар бу муддатда келишувга эришилмаса, келишув тарафларнинг розилиги билан яна ўттиз кунга қадар узайтирилиши белгиланган. ИПКнинг 103-моддаси 3¹) бандида эса суднинг медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тугагунига қадар, бироқ олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ишни тўхтатиб туриш белгиланган.

Демак, бундан шу ҳол келиб чиқадики, тарафлар медиатив тартиб-таомилни қўллаш ҳақидаги келишувда дастлаб, ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаши, суд ажримида бу муддат ишни кўришнинг навбатдаги муддати қилиб белгиланиши, агар тарафлар мазкур муддатни узайтириш ҳақида келишувга эришадиган бўлса, бу ҳақда судга мазкур келишувнинг бир нусхасини илова қилган ҳолда иш кўришни бошқа кунга кўчириш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиши лозим.

Айнан шу жойда, медиация тўғрисидаги қонунчилик талаблари ва процессуал тартиб-қоидалар ўртасида номувофиқликлар кўзга ташланади.

Хусусан, ИПКнинг 104-моддаси иккинчи қисмига асосан иш юритиш тиклангунига қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, бундан даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мустасно, деб белгиланган.

Мазкур императив қоида талабларига кўра, агар тарафлардан медиатив тартиб-таомилларни амалга ошириш муддати узайтирилганлиги сабабли, ишни бошқа кунга кўчириш тўғрисидаги ариза келиб тушган ҳолларда, судьяда бу аризани суд мажлисини ўтказмасдан яқка тарзда қаноатлантириш ваколати мавжуд эмас.

Амалдаги процессуал тартибга кўра, бундай ҳолда судья аввал иш юритишни тиклаши ва суд мажлисини тайинлаши (чунки ИПК 104-моддаси иккинчи қисми талабига кўра иш

юритиш тиклангунига қадар суд бирон-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас) ва аризани суд мажлисида муҳокама қилиб, аризани қаноатлантириш ва иш юритишни медиатив тартиб-таомилни ўтказишнинг янги муддатига тўхтатиб туриш ҳақида қайта ажрим чиқариши керак бўлади.

Бу жараён суднинг ҳам, тарафларнинг ҳам ортиқча вақтини сарфлашга мажбур этувчи узоқ жараённи ўз ичига олиб, уни босқичма-босқич қарайдиган бўлсак: 1) судья мазкур тартиб талабига кўра, ажрим асосида иш юритишни тиклаши; 2) “заруратсиз” суд мажлисини тайинлаши (одатда кўпинча бу суд мажлисига тарафлар келмайди ҳам); 3) бу ҳақда тарафларни хабардор қилиши (судья ва судья ёрдамчисига яна ортиқча “заруратсиз” юклама); 4) суд мажлисини ўтказиши; ва ниҳоят 5) иш юритишни янги муддатга тўхтатиб туриш юзасидан янги ажрим чиқариши лозим.

Кўриб турганимиздек, бу судга ҳам тарафларга ҳам ишни ҳал қилиш нуқтаи назаридан қулай эмас ва амалда расмийликдан иборат “заруратсиз” тартиб-қоидалар.

Ваҳоланки, шу беш босқичли жараённи, судья якка тарзда, суд мажлиси ўтказмасдан, аризани қаноатлантириш ва медиатив тартиб-таомил ўтказиш муддати узайтирилганлиги сабабли, ишни кўришни бошқа муддатга қайта белгилаш ҳақида ажрим асосида ҳал қилиши мумкин.

Фикримизча, моддий ва процессуал қонунчиликдаги мазкур коллизийни бартараф этиш ва ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида, судьянинг бундай ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриш муддатини узайтириш ва иш кўришни бошқа кунга қолдириш ваколатини белгилаш энг тўғри ечим бўлган бўларди.

Судьялар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра ҳам “Суд иш юритиш тиклангунига қадар медиация тартиб-таомилни ўтказиш муддатини узайтиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли” деган нормани ИПКга киритиш таклифини респондентларнинг 68 фоизи қувватлаган.

Юқорида келтирилганларга асосан ИПК нинг 104-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги таҳрирда ўзгартириш ва қўшимча киритиш таклиф этилади: “Иш юритиш тиклангунига қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишга ҳақли эмас, бундан даъво ва далилларни таъминлашга ҳамда медиация тартиб-таомилни амалга ошириш муддатини узайтиришга қаратилган ҳаракатлар мустасно”.

Бунда шуни инобатга олиш зарурки, белгиланган муддатда тарафлар ўртасида медиатив келишувга эришилмаган ҳолларда суд низони процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда мазмунан кўриб чиқади.

Бинобарин, агар медиация тартиб-таомилни амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаса ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 5²-бандига асосан ёки тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса ИПК 107-моддаси 5³)-бандига асосан даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади.

Ҳақиқатан, низоларни, жумладан корпоратив низоларни ҳал этишда муқобил усуллардан фойдаланиш низолашувчи тарафларнинг вақт, моддий ресурс тежами учун ҳам, суд ҳуқуқ тизимида ишлар ҳажмининг камайиши ва шу билан бирга тарафлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг сақланиб қолиши асосида тадбиркорлик субъектларининг мувозанатли барқарор ривожланиши учун ҳам ўрни бекиёсдир. Шу билан бирга мазкур усуллардан фойдаланишда процессуал қонунчилик нормаларини ҳам такомиллаштириш бу борада белгиланган устувор вазифаларнинг самарасига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бўларди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January

- 28, 2022 No. PF-60 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026") <https://lex.uz/docs/5841063#5844013>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا 2-илова. (Appendix 2 to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-11 of January 16, 2023 "On additional measures to further expand access to justice and increase the efficiency of the courts") <https://lex.uz/ru/docs/6358976#6360329>.
 3. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Монография. (44-б.) Тошкент-2013 (Mamasiddikov M.M. Issues of improving the legal basis of conducting civil court cases. Monograph. (p. 44) Tashkent-2013) [https://www.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Fuqarolik%20sud%20ishlari%20yuritishning%20huquqiy%20asoslarini%20takomillashtirish%20masalalari%20\(M.Mamasiddiqov\).pdf](https://www.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Fuqarolik%20sud%20ishlari%20yuritishning%20huquqiy%20asoslarini%20takomillashtirish%20masalalari%20(M.Mamasiddiqov).pdf)
 4. Николюкин С.В. Правовые технологии посредничества (медиации) в Российской Федерации: научно-практическое пособие. М,2013.С.57. (Nikolyukin S.V. Legal technologies of mediation in the Russian Federation: scientific and practical manual. М, 2013.P.57).
 5. Karl-Heinz Böckstiegel/Stefan Michael Kröll/Patricia Nacimiento. Arbitration in Germany // Kluwer Law, 2015.
 6. Маренков Д. Немецкое арбитражное законодательство. Опыт Германии в разрешении корпоративных споров. // Russian Arbitration Day, 2014 (Marenkov D. German arbitration legislation. German experience in resolving corporate disputes. // Russian Arbitration Day, 2014).
 7. Медникова М.Е. Досудебное урегулирование споров в сфере экономической деятельности (Проблемы теории и практики). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов 2007. С-3. (Mednikova M.E. Pre-trial settlement of disputes in the field of economic activity (Problems of theory and practice). Abstract of the dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Saratov 2007. P-3).
 8. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Монография. (44-б.) Тошкент-2013. (Mamasiddikov M.M. Issues of improving the legal basis of conducting civil court cases. Monograph.(p. 44)Tashkent-2013) [https://www.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Fuqarolik%20sud%20ishlari%20yuritishning%20huquqiy%20asoslarini%20takomillashtirish%20masalalari%20\(M.Mamasiddiqov\).pdf](https://www.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Fuqarolik%20sud%20ishlari%20yuritishning%20huquqiy%20asoslarini%20takomillashtirish%20masalalari%20(M.Mamasiddiqov).pdf)
 9. Алексеева Т.В. Институты альтернативного разрешения споров в России: Проблемы и перспективы развития. Автореферат диссертации на соискание кандидата юридических наук. С-4. Москва – 2020. (Alekseeva T.V. Institutions for alternative dispute resolution in Russia: Problems and development prospects. Abstract of the dissertation on the sucking of a candidate of legal sciences. P-4.Moscow – 2020).
 10. Банников Р.Ю. Досудебный порядок урегулирования споров в системе предпосылок и условий реализации (осуществления) права на предъявление иска в суд. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Воронеж-2010. С-3. (Bannikov R.Yu. Pre-trial procedure for resolving disputes in the system of prerequisites and conditions for the implementation (exercise) of the right to bring a claim to court. Abstract of the dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Voronezh-2010. P-3).
 11. Медникова М.Е. Досудебное урегулирование споров в сфере экономической деятельности (Проблемы теории и практики). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов 2007. С-6. (Mednikova M.E. Pre-

- trial settlement of disputes in the field of economic activity (Problems of theory and practice). Abstract of the dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Saratov 2007. P-6).
12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (Economic procedural code of the Republic of Uzbekistan) <https://lex.uz/ru/docs/3523891#3530439>
 13. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On protection of joint-stock companies and shareholders' rights") <https://lex.uz/docs/2382409>
 14. Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On Mediation") <https://lex.uz/docs/3805227>



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000